

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**Рўйхатга олинди**

**№\_\_\_\_\_**

**20\_\_\_\_ йил**

Ўзбекистон Республикаси Олий ва  
ўрта маҳсус таълим вазирининг  
20\_\_\_\_йил “\_\_\_” \_\_\_\_\_ даги  
— сонли буйруғи билан  
тасдиқланган

**“Сув хўжалиги ва мелиорация”**

йўналиши бўйича олий таълим муассасалари педагог кадрларини  
қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг ўқув дастури

Тошкент – 2015

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**ОЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ПЕДАГОГ ВА РАҲБАР КАДРЛАРИНИ  
ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШНИ  
ТАШКИЛ ЭТИШ БОШ ИЛМИЙ - МЕТОДИК МАРКАЗИ**

**ТОШКЕНТ ИРРИГАЦИЯ ВА МЕЛИОРАЦИЯ ИНСТИТУТИ  
ХУЗУРИДАГИ ПЕДАГОГ КАДРЛАРИНИ ҶАЙТА ТАЙЁРЛАШ ВА  
УЛАРНИНГ МАЛАКАСИНИ ОШИРИШ ТАРМОҚ МАРКАЗИ**

*Қайта тайёрлаш ва малака ошириш ўқув дастури Олий ва ўрта маҳсус, касб-хунар таълими йўналишилари бўйича ўқув-услубий бирлашмалар фаолиятини Мувофиқлаштирувчи кенгашининг  
201\_\_\_\_\_йил \_\_\_\_\_даги \_\_\_\_\_ - сонли баённомаси билан  
маъқулланган.*

**Тузувчилар:**

“Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари” модули: т.ф.д., проф. Р.Сангиров, т.ф.н., доц. Ф. Эрназаров.

“Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат” модули: п.ф.д., проф. З.Исмаилова, п.ф.н., доц. Г.Анарқулова, п.ф.н. доц. в.б. М.Байбаева.

“Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш” модули: т.ф.н., доц. С.Мирзаев, и.ф.н., доц. Г. Шадманова, и.ф.н., доц. Х. Каримова.

“Амалий хорижий тил” модули: катта ўқитувчи Ф. Бегов, катта ўқитувчи У. Парпиева.

“Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модули: и.ф.д., проф. Ў.П.Умурзоқов, и.ф.н., доц. С.Умаров.

**Маҳсус фанлар бўйича:** к/х.ф.д., проф. М.Х.Хамидов, т.ф.н., доц. И. Бегматов, к/х.ф.н., доц. Б. Матякубов, к/х.ф.н., доц. С. Исаев, к/х.ф.н., доц. в.б. Б. Сувонов

т.ф.д. проф. Ф. Бараев, к/х.ф.н., доц. У. Норқулов

**Тақризчилар:**

Ўқув дастурлари Тошкент ирригация ва мелиорация институти Илмий кенгашида тавсия қилинган (2015 йилдаги ... - сонли баённома).

## **Кириш**

Дастур Ўзбекистон Республикаси Президентининг 12 июнь 2015 йилдаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чоратадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732 фармонига мувофиқ тузилган бўлиб, у олий таълим муассасалари педагог кадрларининг касбий тайёргарлиги даражасини ривожлантириш, уларнинг илғор педагогик тажрибаларни ўрганишлари хамда замонавий таълим технологияларидан фойдаланиш бўйича малака ва кўникмаларини такомиллаштиришни мақсад қиласди.

Дастур мазмунида олий таълимнинг долзарб масалаларини ўрганиш, глобал Интернет тармоғидан фойдаланган ҳолда ўқув жараёнига замонавий педагогик ва ахборот технологияларини жорий этиш, педагогнинг шахсий ва касбий ахборот майдонини лойиҳалаш, педагогик маҳоратни ошириш, Ўзбекистоннинг энг янги тарихини билиш, фан, таълим, ишлаб чиқариш интеграциясини таъминлаш, тегишли мутахассисликлар бўйича илм-фанни ривожлантиришнинг устивор йўналишларини аниқлаш, илмий-тадқиқотлар ўtkазишнинг самарали методларидан фойдаланишга ўргатиш асосий вазифалар этиб белгиланган.

Шу билан бирга олий таълим муассасалари профессор-ўқитувчиларининг мунтазам касбий ўсишида интерактив методлар, педагогларнинг таҳлилий ва ижодий фикрлашини ривожлантиришга йўналтирилган инновацион методикалар, масофадан ўқитиши, мустақил таълим олишни кенгайтиришни назарда тутувчи техника ва технологиялардан фойдаланган ҳолда машғулотлар олиб бориш малакаси ва кўникмаларини ривожлантириш кўзда тутилган.

Дастур доирасида берилаётган мавзулар тингловчиларнинг педагог кадрларга қўйиладиган давлат талабларини, замонавий инновацион таълим технологиялари ва уларнинг турларини билишлари, талаба шахси ва унинг хусусиятини ҳисобга олган ҳолда таълимда индивидуаллик ва дифференциал ёндашувга эришувлари ва таълим жараёнларида муаммоли таълим, ҳамкорлик технологияси ва интерфаол усулларни амалда қўллай олишлари, ахборот технологияларидан таълим-тарбия жараёнида самарали фойдалана олиш кўникмаларига эга бўлишларини таъминлашга қаратилган.

## **I I. Олий таълимнинг норматив ҳуқуқий асослари**

1.1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.

1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

2.1. Инновацион таълим технологиялари.

2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.

2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.

### **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.

3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойихалаш.

### **IV. Амалий хорижий тил**

4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.

### **V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари**

5.1. Тизимли таҳлил асослари.

5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

### **VI. Махсус фанлар**

6.1. Ирригация ва мелиорация.

6.2. Сув ресурсларини бошқариш.

### **VII. Педагогик амалиёт**

### **VIII. Малакавий аттестация**

## **Курснинг мақсади ва вазифалари**

Олий таълим муасасалари педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш курсининг **мақсади** педагог кадрларнинг ўқувтарбиявий жараёнларни юксак илмий-методик даражада таъминлашлари учун зарур бўладиган касбий билим, кўникма ва малакаларини мунтазам янгилаш, малака талаблари, ўқув режа ва дастурлари асосида уларнинг касбий компетентлиги ва педагогик маҳоратини доимий ривожланишини таъминлашдан иборат.

Курснинг **вазифалари**га қўйидагилар киради:

“Сув хўжалиги ва мелиорация” йўналишида педагог кадрларнинг касбий билим, кўникма, малакаларини узлуксиз янгилаш ва ривожлантириш механизmlарини яратиш;

замонавий талабларга мос ҳолда олий таълимнинг сифатини таъминлаш учун зарур бўлган педагогларнинг касбий компетентлик даражасини ошириш;

педагог кадрлар томонидан замонавий ахборот-коммуникация технологиялари ва хорижий тилларни самарали ўзлаштирилишини таъминлаш;

махсус фанлар соҳасидаги ўқитишнинг инновацион технологиялари ва илғор хорижий тажрибаларни ўзлаштириш;

“Сув хўжалиги ва мелиорация” йўналишида қайта тайёрлаш ва малака ошириш жараёнларининг фан ва ишлаб чиқариш билан интеграциясини таъминлаш.

## **Курс якунида тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакалари ҳамда компетентлигига қўйиладиган талаблар:**

“Олий таълимнинг норматив-хуқуқий асослари”, “Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат”, “Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш”, “Амалий хорижий тил”, “Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари” модуллари бўйича тингловчиларнинг билим, кўникма ва малакаларига қўйиладиган талаблар тегишли таълим соҳаси бўйича педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш мазмуни, сифати ва уларнинг тайёргарлиги ҳамда компетентлигига қўйиладиган умумий малака талаблари билан белгиланади.

Махсус фанлар бўйича тингловчилар қуидаги янги билим, кўникма, малака ҳамда компетенцияларга эга бўлишлари талаб этилади:

### **Тингловчи:**

- сув тежамкор суғориш технологияларини лойиҳалашда қурилиш меъёрлари ва қоидалари ҳамда бошқа меъёрий хужжатларни;
- суғориш тартибларини ишлаб чиқиш, суғориш технологиялари ва усулларини;
- гидромелиоратив тизимларни;
- суғориш тармоқларининг конструкцияларини;
- суғориш техникасини гидравлик ҳисоблаш ва қирқимларини лойиҳалашни;
- ирригация эрозияси ва унга қарши комплекс тадбирларни;
- сув тежамкор суғориш технологияси, усули ва техникаси элементларини;
- ирригация ва мелиорация тарақиёти тўғрисида умумий маълумотларни;
- Ўзбекистон Республикасининг "Сув ва сувдан фойдаланиш" қонунини **билиши** керак.

### **Тингловчи:**

- ер устидан, ер остидан суғориш ва унинг такомиллашган тежамкор турларини қўллаш;
- суғориша сувдан самарали ва тежамили фойдаланишни ташкил этиш;
- фермер хўжаликларига сувни тақсимлашни режалаштириш.
- суғориш сувини суғориш даласида тақсимлаш, суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш;
- томчилатиб суғоришнинг ўзига хос жиҳатларини ривожлантириш;
- ўғит эритмасини тайёрлаш ва сувга қўшиш мосламасини такомиллаштириш;

- шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш тадбирлар мажмуасини такомиллаштириш;
- сугоиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича **кўникмаларга** эга бўлиши лозим.

#### **Тингловчи:**

- мутахассислик фанларидан инновацион ўқув машғулотларини лойихалаш, амалга ошириш, баҳолаш, такомиллаштириш;
- мутахассислик фанларини ўқитишинг дидактик таъминотини яратиш;
- коммуникатив вазифаларни хал этиш технологиялари, касбий мулоқот усулларидан фойдаланиш, ҳамкорлик ишларини олиб бориш;
- ирригация ва мелиорация тарақиёти учун фаолият олиб бориш;
- тупроқ донадорлигини сақлаш, тупроқни ботқоқланишига йўл қўймаслик, суғоришни тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштириш, суғоришда юқори иш унуми ва сифатига эришиш;
- суғориш усулларини такомиллаштириш бўйича **малакаларга** эга бўлиши зарур.

#### **Тингловчи:**

- сув тежамкор суғориш технологияларини лойихалашни билиш ва соҳасида тайёрланаётган мутахассисларни ўқитиши жараёнига назария ва амалиётнинг узвий боғлиқлигини таъминлаш;
- суғориш тартибларини ишлаб чиқиш, суғориш технологиялари ва усулларини такомиллаштириш ва қўллаш;
- гидромелиоратив тизимларни лойихалаш ва ривожланиш дастурларини ишлаб чиқиш;
- суғориш тармоқларининг замон талабиги мос конструкцияларини яратиш;
- ирригация эрозиясига қарши комплекс тадбирлар ишлаб чиқиш ва улардан амалда фойдаланиш;
- сув тежамкор суғориш технологияси, усули ва техникаси элементларини танлаш **компентенцияларига** эга бўлиши лозим.

### **Курс ҳажми**

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курси 288 соатни ташкил этади. Ўқув юкламаси ҳафтасига 36 соат этиб белгиланган. Қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналиши бўйича таълим дастурларини тўлиқ ўзлаштирган ва Аттестациядан муваффакиятли ўтган курс тингловчиларига Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги ПФ-4732-сон Фармони Зиловаси билан тасдиқланган давлат намунасидаги малака аттестати берилади.

## **«Сув хўжалиги ва мелиорация» йўналиши бўйича қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсининг ўқув модуллари ва уларнинг мазмуни**

### **I. Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари Олий таълимнинг норматив-ҳуқуқий асослари**

#### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалалари.**

Инсон онг ва тафаккурининг янгиланиши жамият ривожланишининг муҳим омили сифатида. Глобаллашув ва ижтимоий-маънавий ҳаётдаги ўзгаришлар тенденцияси ва истиқболлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз”, “Юксак маънавият – енгилмас куч, “Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида”, “Мамлакатни модернизация қилиш ва иқтисодиётимизни барқарор ривожлантириш йўлида”, “Ватанизмнинг босқичма-босқич ва барқарор ривожланишини таъминлаш – бизнинг олий мақсадимиз”, “Демократик ислоҳотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини шакллантириш- мамлакатимиз тараққиётининг асосий мезонидир” ва бошқа асарларида жамият ривожи ва таълим-тарбия масалаларининг ёритилиши.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Ўзбекистонни ижтимоий-иқтисодий ривожлантиришнинг устувор йўналишларига бағишлиланган маъruzаларида таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизациялаш билан боғлиқ вазифаларнинг белгиланиши.

#### **1.2. Таълим-тарбия жараёнларини ташкил этишнинг қонунчилик нормалари.**

Норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар тушунчasi ва турлари. Норматив-ҳуқуқий ҳужжатларнинг ишлаб чиқиши ва амалга киритиш тартиби. Ўзбекистон Республикасининг Конституцияси. “Таълим тўғрисида”ги Қонун. Кадрлар тайёрлаш миллий дастури. Кадрлар тайёрлаш миллий дастурининг босқичлари ва асосий йўналишлари.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПҚ-1533-сон Қарори, 2012 йил 24 июлдаги “Олий малакали илмий ва илмий-педагог кадрлар тайёрлаш ва аттестациядан ўтказиш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги ПФ-4456-сон Фармони, 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муассасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ-4732-сон Фармони ва бошқалар.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизими учун давлат таълим стандартларини ишлаб чиқиш ва жорий этиш тўғрисида”ги 5-сон Қарори, 1998 йил 5 январдаги “Узлуксиз таълим тизимини дарслклар ва ўқув адабиётлари билан таъминлашни такомиллаштириш тўғрисида”ги 4-сон Қарори, 2001 йил 16 августдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида”ги 343-сон Қарори, 2006 йил 10 февралдаги “Олий таълим муассасасига педагогларни танлов асосида ишга қабул қилиш тартиби тўғрисида”ги Низомни тасдиқлаш хусусидаги 20-сон Қарори, 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори, 2015 йил 10 январдаги “Олий таълимнинг давлат таълим стандартларини тасдиқлаш тўғрисида” 2001 йил 16 августдаги 343-сон қарорига ўзгартериш ва қўшимчалар киритиш ҳақида” ги 3-сон Қарори ва бошқалар.

Давлат таълим стандартлари, ўқув режалари ва фан дастурлари тушунчаси ва уларга қўйиладиган талаблар. “Олий таълим муассасаларида талabalар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари талabalарининг малакавий амалиёти тўғрисида” ги Низом. “Ўзбекистон Республикаси олий таълим муассасалари битирувчиларининг якуний давлат аттестацияси тўғрисида”ги Низом. Олий таълим муассасаларида мустақил таълимни ташкил этиш тартиби тўғрисида”ги Низом. “Магистратура тўғрисида”ги Низом. “Очиқ лекцияларни ташкил этиш ва ўtkазиш тартиби тўғрисида” ги Низом ва бошқа меъёрий ҳужжатлар.

## **II. Илғор таълим технологиялари ва педагогик маҳорат**

### **2.1. Инновацион таълим технологиялари.**

Олий таълим тизимини модернизациялашнинг устувор йўналишлари. Инновацион таълим технологияларининг моҳияти, турлари ва назарий асослари, инновацион жараёнларнинг кечиши босқичлари. Педагогик технологиянинг таснифи, қонуниятлари, тамойиллари ва мезонлари.

Олий таълим муассасаларида ўқув жараёнини ташкил этишининг инновацион шакл, метод ва воситалари. Таълим-тарбия жараёнини технологиялаштириш асослари. Очиқ маъруза, амалий машғулотларни лойиҳалаштириш, ташкил этиш.

Шахсга йўналтирилган таълим технологияларининг мазмуни, йўналишлари. Таълим олувчиларнинг билиш фаоллигини фаоллаштириш ва жадаллаштириш асосидаги таълим технологиялари: амалий ўйинлар, муаммоли ўқитиши, табақалаштирилган ўқитиши ҳамда интерфаол таълим методларидан ўқув-тарбия жараёнида фойдаланиш. Ўқув лойиҳаларини ишлаб чиқиш, портфолиоларни шакллантириш ва амалиётга татбиқ этиш.

Электрон ўқув модуллари. Силлабус, кейслар банкини яратишига қўйиладиган дидактик талаблар.

## **2.2. Педагогик компетентлик ва креативлик асослари.**

Педагог касбий компетентлигининг тузилиши ва мазмуни. Педагогнинг психологияк, методик, информацион, креатив, инновацион компетентлиги мазмун-моҳияти. Педагогик маҳорат асослари ва таркибий қисмлари. Ўқитувчининг коммуникатив компетентлиги, педагогик жараёнда мулоқот услубларини тўғри танлаш ва улардан самарали фойдаланиш. Педагогик деонтология. Нутқ техникаси ва маданияти. Аудиторияда шахсларро муносабатларни самарали ташкил этиш ва гурухни оптимал бошқариш. Педагогик низоларни самарали ҳал этиш йўллари. Замонавий педагог имиджи ҳамда ўқитувчининг ўз-ўзини касбий ва шахсий такомиллаштириб бориши.

Креативлик - педагогик ижодкорликнинг асоси сифатида. Олий таълим педагог кадрларининг креатив потенциали тушунчаси ва моҳияти. Педагогларда креатив компетентликни шакллантиришнинг зарурӣ шартшароитлари, моделлари. Касбий фаолиятда позитив-фаол мотивация ва педагог кадрларнинг креатив потенциалини баҳолаш мезонлари. Таълимни ахборотлаштириш шароитида педагог кадрларнинг креатив имкониятларини баҳолаш мезони.

## **2.3. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар бўйича илғор хорижий тажрибалар.**

Ўқув жараёнини ташкил этиш ва унинг сифатини таъминлаш борасидаги илғор хорижий тажрибалар, замонавий ёндашувлар. Замонавий таълим ва инновацион технологиялар соҳасидаги илғор хорижий тажрибалар: модулли-кредит тизими, blended learning (аралаш ўқитиш), case study (кейс стади), масофали ўқитиш, маҳорат дарслари, вебинар, эвристик методлар ва бошқ. Замонавий таълимда тьюторлик, супервизорлик ва модераторлик фаолияти. Педагогик фасилитация-таълимда натижавийликни таъминлашдаги муҳим омил сифатида. Талабалар билимини баҳолашнинг ассесмент технологиялари.

# **III. Таълим жараёнида ахборот-коммуникация технологияларини қўллаш**

## **3.1. Таълимда мультимедиа тизимлари ва масофавий ўқитиш методлари.**

Мультимедианинг компонентлари. Мультимедианинг бажарилиш шартлари. Мультимедианинг дастурӣ таъминоти. Мультимедиа компонентларини солишириш. Сақловчи технологиилар. CD-ROM, CD, DVD, HD DVD, Blu-ray. Мультимедиа файл форматлари. Мультимедиа плейерлари. Мультимедианинг қўлланилиши. Видео конференция. Медиа соҳалари. Рақамли аудио. Аудио файллар. Самплинг методи. Файлларни

сақлаш усули. Аудио ва видеони таҳирлаш. Мультимедиали электрон нашрлар (ўқув фильмлари, электрон дарсликлар).

Электрон таълим ресурслари ҳақида тушунча. Масофавий ўқитишида электрон таълим ресурсларини яратиш тамойиллари. Мультимедиали маъruzалар категориялари, Муаллифлик дастурий таъминотларидан фойдаланган ҳолда электрон таълим ресурсларини яратиш.

Масофали ўқитишининг назарий ва дидактик асослари. Масофавий таълимни ташкил қилиш усуллари. Масофавий таълим жараёнини амалга ошириш босқичлари. Таълимда эркин ва очиқ кодли дастурий таъминотлар таҳлили. LMS тизимларининг асосий функциялари.

Moodle тизимида ўқув жараёнини, жорий, оралиқ ва якуний назорат турларини ташкиллаштириш. Moodle тизимида ўқув контентларни шакллантириш ва бошқариш.

Оммавий онлайн очиқ курслар (Coursera, edX, Khan Academy, MIT Open Course Ware).

### **3.2. Электрон педагогика асослари ва педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини лойиҳалаш.**

Педагогик жараёнда ахборот-коммуникация ва интерактив технологияларидан фойдаланиш. Таълимий Интернет ресурслари ва улардан ўқув жараёнида фойдаланиш. Интернет тармоғининг асосий хизматлари. Ziyonet.uz ва бошқа таълим порталлари ресурслари билан ишлаш. Интернет тармоғида педагогларнинг, талабаларнинг электрон мулоқот мухитида жамоа бўлиб ишлаш шакллари. Блог, форум ва тематик чатларни ташкил этиш усуллари. Педагогларнинг тармоқдаги ҳамкорлиги.

Педагогнинг шахсий, касбий ахборот майдонини ташкил этиш. Электрон портфолио тушунчаси, таркиби, мазмуни ва имкониятлари. Ахборот технологиялари воситасида педагогнинг электрон портфолиосини шакллантириш. Электрон ахборот-таълим мухитида педагогик жараённи лойиҳалаштириш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалардан фойдаланиш, амалий дастурий воситалар ёрдамида электрон дарсликлар, тренажерлар, виртуал лаборатория машғулотларини яратиш усуллари. Офис дастурларида электрон ўқув-методик материалларини яратиш усуллари (Microsoft Word, Excel, Power Point ва б.). Web 2.0/3.0 технологиялари ва уларнинг ёрдамида электрон дидактик материалларни яратиш ва ўқув-тарбия жараёнида қўллаш.

Педагогик фаолиятда амалий дастурий воситалар ҳимоясини таъминлаш. Аутентификациялаш ёрдамида ҳимоялаш. Ҳимоялаш воситалари.

## **IV. Амалий хорижий тил**

### **4.1. Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари.**

Хорижий тилни ўқитиши ва ўрганишдаги ислоҳотлар. Тил бўйича Европа стандарти ва унинг мазмуни. Тил алоқа (коммуникация) воситаси сифатида ҳамда тилга оид билим, малака ва кўникмаларни шакллантириш усуллари.

Амалий хорижий тилни ўрганишнинг интенсив усуллари: коммуникатив, интерактив мулоқот, вазиятли-имитацион ўйинлар, дебатлар, аудио-визуал усуллар ва Интернет ресурслари.

Тилни муваффақиятли ўзлаштириш шарт-шароитлари: касбий интерактив мулоқот муҳити, мулоқот клубларини ташкил этиш, ўзининг тил кўнималари даражасини баҳолаш ва бошк.

Хорижий тилни ўрганишда нутқ фаолияти турлари (ўқиш, гапириш, тинглаб тушуниш, ёзув) бўйича компетенцияларни ривожлантириш усуллари.

Маданиятларо мулоқот компетенцияси (ўзбек ва хорижий тилда сўзлашувчи халқлар маданияти, урф-одатлари, анъаналари ҳақида чет тилида гапира олиш).

Мулоқот мавзулари: кундалик ҳаётга оид (шахсий маълумот, оила ҳақида маълумот, бўш вақтни ўтказиш ва ҳоказо) ижтимоий ҳаётга доир, таълимга ва касбга йўналтирилган мавзулар.

Мутахассисликка оид матнларни ўқиш, уларни тушуна олиш, оғзаки баён эта олиш, ўз фани бўйича ўқув жараёнини ташкил этишда соҳага оид хорижий тилдаги атамалардан фойдаланиш.

## V. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилиш асослари

### 5.1. Тизимли таҳлил асослари.

Тизимли таҳлил ҳақидаги асосий тушунча ва тамойиллар. Тизимнинг хусусияти ва тузилмаси. Тизимли таҳлил методологияси. Тизимли таҳлилнинг йўналишлари. Тизимли таҳлилнинг шаклланиш ва ривожланиш босқичлари. Тизимли услуг ва тизимли ёндашув. Аналитик тадқиқотлар асосида тизимли таҳлилни ташкил этиш. Аналитик методлар ёрдамида қарорлар қабул қилиш. Тизимли таҳлилда миқдорий ва сифат ёндашуви. Педагогик вазиятларда қарор қабул қилиш усуллари. Талабалар индивидуал-психологик ҳамда креатив ривожланиш даражаларининг тизимли таҳлили.

### 5.2. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари.

Комплекс қарорлар чиқаришда тизимли таҳлил хусусиятлари. Қарорлар қабул қилишнинг асосий қоидалари ва таснифи. Қарор қабул қилиш даражалари. Қарор қабул қилиш босқичлари. Қарор қабул қилиш психологик жараён сифатида. Ўқув жараёнини бошқаришда қарор қабул қилиш технологиялари. Турли омиллар асосида қарор қабул қилишнинг методологик жиҳатлари. Қарор қабул қилишда моделлаштириш усуллари. Олий таълим жараёнини бошқаришда қарорлар қабул қилиш тажрибаси. Тизимли таҳлил ва қарор қабул қилишнинг ахборот таъминоти.

## VI. Махсус фанлар

### 6.1. Ирригация ва мелиорация.

Ўзбекистон Республикаси Президенти-нинг 2007 йил 29 октябрдаги ПФ-3932- сонли “Ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш тизимини тубдан

такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармонига кўра қабул қилинган сугориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш бўйича 2008-2012 йилларга мўлжалланган Давлат Дастури асосида олиб борилган ишлар натижаларини шарҳлаш. Мелиоратив ишларни олиб борилиши. “Узмелиомашлизинг” давлат лизинг компанияси ҳамда давлат унитар корхоналарининг фаолияти.

2013 йилнинг 19 апрелида Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2013-2017 йиллар даврида ерларнинг мелиоратив ҳолатини янада яхшилаш ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ПҚ-1958-сон қарори асососида кўрилган комплекс чора-тадбирдар натижалари.

## **6.2. Сув ресурсларини бошқариш.**

Суғориш усулларини такомиллаштириш. Ер устидан суғориш ва унинг такомиллашган сув тежамкор турлари. Ер остидан суғориш технологиясини такомиллаштириш, афзалликлари ва камчиликлари.

Суғориш сувини суғориш даласида тақсимланиш асослари. Суғориш сувини йўқолишига йўл қўймаслик чора-тадбирлари. Тупрок донадорлигини сақлаш, тупроқни ботқоқланишига йўл қўймаслик, суғоришни тўлиқ механизациялаш ва автоматлаштириш, суғоришда юқори иш унуми ва сифатига эришиш. Қишлоқ хўжалик экинларидан юқори ва мунтазам ҳосил олишга эришиш.

Суғоришда сувдан самарали ва тежамли фойдаланишни ташкил этиш чоралари. Фермерлар хўжаликларига сувни тақсимлашни режалаштириш. Суғориш тармоқларини тозалаш ва таъмирлаш. Фермер хўжаликларининг сув олиш қулоқларини сувни бошқариш ва ўлчаш иншоотлари билан жиҳозлаш.

Ер устидан суғориш ва унинг такомиллашган тежамкор турлари.

Эгатлаб ва эгат оралатиб суғоришнинг сувни тежовчи усуллари. Кўчма полиэтилен новлардан ўқариқ ўрнида фойдаланиш. Эгатга плёнка тўшаб суғориш. Эгилувчан қувурлар ёрдамида суғориш. Сифонлаб суғориш. Автоматлаштирилган новлар билан суғориш.

Томчилатиб суғоришни такомиллаштириш йўллари. Томчилатиб суғориш тизимларининг ривожланиши. Томчилатиб суғориш тизимларидан фойдаланишнинг жаҳон миқёсида ривожланиши. Ўзбекистон шароитида томчилатиб суғориш тизимларини қўллашнинг ривожланиши. Томчилатиб суғориш тизимининг ўзига хосликлари ва уни дехқончиликда қўллашнинг афзалликлари ва уларнинг технологик асослари. Томчилатиб суғоришнинг ўзига хос жиҳатларини ривожлантириш. Томчилатиб суғоришни қўллаш шароитларини илмий асослаш. Томчилатиб суғориш тизими ва унинг таркибий қисмларини такомиллаштириш.

Насос қурилмаси. Томчилатиб суғориш тизимининг қувурларини ҳисоби. Фильтровчи станция (қурилма). Ўғит эритмасини тайёрлаш ва сувга қўшиш мосламасини такомиллаштириш. Томчилатиб суғориш тизимининг

суғориш шлангларини меъёрий асослари. Томчилатиб суғориш тизимининг томизгичлари. Томизгичли ленталар ва уларнинг технологик асослари.

Субирригация, қўллаш шартлари, афзалликлари ва уларнинг илмий асослари. Субирригация суғориш усуллари, уларнинг назарий асослари, афзаллик ва камчиликлари.

Пуркаб (туман ҳосил қилиб) суғориш, афзалликлари ва уларнинг технологик асослари. Янги суғориш усули ҳисобланиб бу усулда сув маҳсус туман ҳосил қилиш қурилмалари ёрдамида, сув туманига айлантирилиб суғориш майдонини ер усти ҳаво қатламига пуркалади.

Суғоиладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш. Тупроқларнинг батқоқланиши ва шўрланиши. Тупроқлар ботқоқланиши ва шўрланишининг табиий ва суъний омиллари. Бирламчи ва иккиламчи шўрланиш. Ортиқча нам ва тузнинг ўсимликка таъсири. Шўрланиш хиллари ва турлари. Критик чуқурлик ва қуритиш меъёрлари. Ерларнинг шўрланишига қарши мелиоратив тадбирлар. Ерларнинг шўрланишига қарши сув хўжалик, агромелиоратив, биологик ва гидротехник тадбирлар. Суғоиладиган ерларнинг шўрини ювиш, ҳисоблаш услуби ва шўр ювиш жараёнлари. Шўрланган майдонларни шўр ювишга тайёрлашни илмий асослаш. Шўрланган ерларда сув тежамкор шўр ювиш тадбирлар мажмуасини такомиллаштириш.

Ерларни шўр ювишга тайёрлашдан аввал, суғориш тармоқларини ва айниқса, зовурларни ўсимлик ва лойқадан тозалаш. Шўр ювиш учун олинган поллар. Сувдан самарали фойдаланиш. Шўр ювишдан ер майдонлари ҳайдаш. Тупроқ таркибибига қараб юмшатгичлар танлаш. Ерлар ҳайдалгандан кейин майдонларни планировка қилиш усуллари.

Суғориш майдонидаги зовурлар. Ортиқча намиққан ерларнинг умумий ва хусусий сув мувозанат тенгламалари. Мувозанат даври ва майдони. Зовур модули.

Зовур турини асослаш. Табиий ва суъний зовурлар. Гидротехник зовурлар тизимининг таркиби ва вазифаси. Ётиқ зовурлар, уларни режада жойлаштириш ва кўрсаткичлари ҳисоби. Қурама зовурлар ва уларнинг кўлланиш шароитлари. Тик зовурлар, тузилиши ва таркибий қисмлари.

Сув кетказувчи тармоқлар ва сув қабул қилгичлар. Сув ўтказувчи зовур тармоқлари. Зах қочириш тармоқларини лойихалаш принциплари. Зовурларнинг сув сарфларини аниқлаш ва уларнинг гидравлик ҳисоблари. Сув қабул қилгичлар. Зах қочириш тармоқларидағи иншоотлар.

## VII. Педагогик амалиёт

Қайта тайёрлаш ва малака ошириш курсларида педагогик амалиёт очиқ маъruzалар ва амалий машғулотлар ўтказиш, ўтилган дарсларнинг муҳокама қилиниши ва танқидий таҳлил этилишига асосланган ҳолда амалга оширилади.

Педагогик амалиёт қайта тайёрлаш ва малака ошириш йўналишлари ва мутахассисликларининг ўзига хослигидан келиб чиққан ҳолда олий таълим муассасаларининг тегишли профиль кафедраларида ташкил этилади.

## **Амалий машғулотларни ташкил этиш бўйича кўрсатма ва тавсиялар**

Амалий машғулотларда тингловчилар ўқув модуллари доирасидаги ижодий топшириқлар, кейслар, ўқув лойиҳалари, технологик жараёнлар билан боғлиқ вазиятли масалалар асосида амалий ишларни бажарадилар.

Амалий машғулотлар замонавий таълим услублари ва инновацион технологияларга асосланган ҳолда ўтказилади. Бундан ташқари, мустақил ҳолда ўқув ва илмий адабиётлардан, электрон ресурслардан, тарқатма материаллардан фойдаланиш тавсия этилади.

### **Мустақил таълимни ташкил этишининг шакли ва мазмуни**

Мустақил таълим тегишли ўқув модули бўйича ишлаб чиқилган топшириқлар асосида ташкил этилади ва унинг натижасида тингловчилар битирув иши (ложиҳа иши) ни тайёрлайди.

Битирув иши (ложиҳа иши) доирасида ҳар бир тингловчи ўзи дарс берадиган фани бўйича электрон ўқув модулларининг тақдимотини тайёрлайди.

Электрон ўқув модулларининг тақдимоти қуидаги таркибий қисмлардан иборат бўлади:

Силлабус;

Кейслар банки;

Мавзулар бўйича тақдимотлар;

Бошқа материаллар (фанни ўзлаштиришга ёрдам берувчи қўшимча материаллар: электрон таълим ресурслари, маъруза матни, глоссарий, тест, кроссворд ва бошк.)

Электрон ўқув модулларини тайёрлашда қуидагиларга алоҳида эътибор берилади:

- тавсия қилинган адабиётларни ўрганиш ва таҳлил этиш;
- соҳа тараққиётининг устивор йўналишлари ва вазифаларини ёритиш;
- мутахассислик фанларидаги инновациялардан ҳамда илғор хорижий тажрибалардан фойдаланиш.

Шунингдек, мустақил таълим жараёнида тингловчи касбий фаолияти натижаларини ва талабалар учун яратилган ўқув-методик ресурсларини “Электрон потрфолио” тизимига киритиб бориши лозим.

### **Дастурнинг ахборот-методик таъминоти**

Модулларни ўқитиши жараёнида ишлаб чиқилган ўқув-методик материаллар, тегишли соҳа бўйича илмий журналлар, Интернет ресурслари, мультимедиа маҳсулотлари ва бошқа электрон ва қоғоз вариандаги манбаалардан фойдаланилади.

## **Адабиётлар**

### **I. Ўзбекистон Республикаси Президентининг асалари.**

1. И.А.Каримов. Озод ва обод Ватан эркин ва фаровон ҳаёт пировард мақсадимиз, 8-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2000 й.
2. И.А.Каримов. Ватан равнақи учун ҳар биримиз маъсулмиз, 9-жилд. – Т.: Ўзбекистон, 2001 й.
3. И.А.Каримов. Юксак маънавият – енгилмас куч. -Т.: «Маънавият». 2008 й. -176 б.
4. И.А.Каримов. Ўзбекистон мустақилликка эришиш остонасида. -Т.: «Ўзбекистон».2011 й. - 440 б.

## **II. Норматив-хукуқий хужжатлар**

1. Ўзбекистон Республикаси Конституцияси. – Т.: Ўзбекистон, 2014 й.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майдаги “Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилиш чора-тадбирлари тўғрисидаги” ПҚ-1533-сон Қарори.
3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 12 июндаги “Олий таълим муасасаларининг раҳбар ва педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида” ги ПФ-4732-сон Фармони.
4. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2006 йил 16-февралдаги “Педагог кадрларни қайта тайёрлаш ва уларни малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш тўғрисида”ги 25-сонли Қарори.
5. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2012 йил 26 сентябрдаги “Олий таълим муассасалари педагог кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 278-сонли Қарори.

## **III. Махсус адабиётлар**

1. Азизходжаева Н.Н. Педагогик технологиялар ва педагогик маҳорат. – Т.: Молия, 2003 й. – 192 б.
2. Арипов М. Интернет ва электрон почта асослари.- Т.; 2000 й. – 218 б.
3. Баркалов С.А. Системный анализ и принятие решений.– Воронеж: НПЦ ВГУ,2010. 662с.
4. DUET-Development of Uzbekistan English Teachers\*- 2-том. CD ва DVD материаллари, - Тошкент.: 2008 й.
5. Michael McCarthy “English Vocabulary in use”. Cambridge University Press, 1999, Presented by British Council.
6. Исмаилов А.А, Жалалов Ж.Ж, Саттаров Т.К, Ибрагимходжаев И.И. Инглиз тили амалий курсидан ўқув-услубий мажмуя. Basic User/ Breakthrough Level A1/-Т.: 2011 й. – 182 б.

7. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Таълимда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2008 й. – 180 б.
8. Ишмуҳамедов Р., Абдуқодиров А., Пардаев А. Тарибяда инновацион технологиялар (таълим муассасалари педагог-ўқитувчилари учун амалий тавсиялар). – Т.: “Истеъдод” жамғармаси, 2009 й. – 160 б.
9. Норенков И.П., Зимин А.М. Информационные технологии в образовании. Учебное пособие. - М.: Изд. МГТУ им. Н.Баумана.2002 г.-336с.
10. Симонович СВ., Евсеев Г.А., Мураховский В.И. WINDOWS: лаборатория мастера: Практическое руководство по эффективным приемам работы с компьютером - М.: АСТ-ПРЕСС: Информком-Пресс, 2000 г. - 656 с.
11. Спицнадель В.Н. Основы системного анализа. Учебное пособие.– Санкт-Петербург: Издательский дом «Бизнес-пресса»,2000 г. –17с.
12. Зеер Э.Ф., Шахматова Н. Личностью ориентированные технологии профессионального развития специалиста. – Екатеринбург, 1999 г. – 244 с.
13. Саттаров Э., Алимов Х. Бошқарув мuloқоти. – Т.: “Академия”, 2003 г. – 70 б.
14. Маҳмудов И.И. Бошқарув психологияси. – Т.: 2006 г. – 230 б.
15. Маҳмудов И.И. Бошқарув профессионализми: психологик таҳдил. – Т.: “Академия”, 2011 г. – 154 б.
16. Xamidov M.X., Shukurlaev X.I., Mamataliev A.B. “Qishloq xo'jaligi gidrotexnika meliorasiyasi”. Дарслик. - Т. Sharq, 2009 у. - 379 б.
17. Хамидов М.Х., Шукурлаев Х.И., Маматалиев А.Б. “Қишлоқ хўжалиги гидротехника мелиорацияси”. Дарслик. - Т. Шарқ, 2008 й. - 408 б.
18. Шукурлаев Х.И., Бараев А.А., Маматалиев А.Б. «Сельскохозяйственные гидротехнические мелиорации». Учебное пособие. - Т. 2007 г. - 300 с.
19. Маматов С.А. “Томчилатиб суғориш тизими”. Қўлланма. - Т. “Мехридарё”, 2012 й. - 80 б.
20. Норқулов У., Шералиев X. “Қишлоқ хўжалиги мелиорацияси”. Дарслик. - Т. “Ўзбекистон миллий энциклопедияси”, 2003 й. - 204 б.
21. Лактаев Н.Т. «Полив хлопчатника». «Колос». 2008, 176 с.

## V. Электрон таълим ресурслари

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг Матбуот маркази сайти: [www.press-service.uz](http://www.press-service.uz)
2. Ўзбекистон Республикаси Давлат Ҳокимияти портали: [www.gov.uz](http://www.gov.uz)
3. Axborot-kommunikatsiya texnologiyalari izohli lug'ati, 2004, UNDP DDI: Programme [www.lugat.uz](http://www.lugat.uz), [www.glossaiy.uz](http://www.glossaiy.uz)
4. Ўзбек интернет ресурсларининг каталоги: [www.uz](http://www.uz)
5. Infocom.uz электрон журнали: [www.infocom.uz](http://www.infocom.uz)
6. <http://www.bank.uz/uz/publisIVdoc/>
7. [www.press-uz.info](http://www.press-uz.info)
8. [www.ziyonet.uz](http://www.ziyonet.uz)

9. www.edu.uz
10. www. cottonginning.com
11. www. ТИМИ.uz
12. www.pedagog.uz
13. WWW. cawater-info.net; cgiar.org; sic.icwc-aral.uz.

## **ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Олий таълим тизими педагог ва раҳбар  
кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини оширишни ташкил этиш  
Бош илмий-методик маркази

Директор\_\_\_\_\_ У.Ш.Бегимқулов

“\_\_\_\_\_” 201\_\_ й.  
М.ў.

Тошкент ирригация мелиорация  
институти ҳузуридаги педагог  
кадрларини қайта тайёрлаш ва уларнинг  
малакасини ошириш тармоқ маркази

Директор в.б.\_\_\_\_\_ К.Комилов

“\_\_\_\_\_” 201\_\_ й.  
М.ў.

## **КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги  
Ўқув юртлари ва малака  
oshiриш бўлими  
Бўлим бошлиғи \_\_\_\_\_ Ш. Жоникулов

“\_\_\_\_\_” 201\_\_ й.  
М.ў.